

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ СУДИ ПЛЕНУМИ ВА  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ХЎЖАЛИК СУДИ ПЛЕНУМИНИНГ**


**Қ А Р О Р И**

---

**ПОСТАНОВЛЕНИЕ**

**ПЛЕНУМА ВЕРХОВНОГО СУДА  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН И  
ПЛЕНУМА ВЫСШЕГО ХОЗЯЙСТВЕННОГО  
СУДА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

Тошкент — 2012



67.71(59) - Олий суд  
67.404(39) - Художона суди

Ушбу тўпламга 2012 йил 14 сентябрда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг қарори киритилган.

Тўплам судьялар, адвокатлар, суриштирув ва тергов идораси ходимлари, ҳуқуқшунос олимлар ва талабалар учун мўлжалланган.

347.991(с) - Верховн. суд Узб-и

Нашр учун масъул:

Ш.РАҲМОНОВ,


А. УСМАНОВ,

Б. НАИМОВ

Муҳаррир:

Ш. ҲАМРОЕВ

Ю 42286  
091



© «Ўзбекистон Республикаси Олий судининг бирлашган тахририяти», 2012

# АХБОРОТ

Ўзбекистон Республикаси Олий судида Олий суд ва Олий хўжалик суди пленумларининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, судьялар, ҳуқуқшунос олимлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар масъул ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Олий суд раиси Б.Мустафоев, Олий хўжалик суди раиси Д.Мирзакаримов ва бошқалар Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида барча соҳа ва тармоқларда амалга оширилаётган туб ислохотлар самарасида бозор муносабатлари жорий этилиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очилгани мамлакатимиз иқтисодиёти жадал ривожланишига хизмат қилаётганини таъкидлади. Бунда иқтисодиётни ислоҳ этишга қаратилган миллий қонунчилик асослари яратилгани ва ҳаётга татбиқ этилаётгани соҳани янада либераллаштириш ва модернизация қилишда мустақкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, рақобатни ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш борасида кенг кўламли чора-тадбирлар комплекси қабул қилинди. 2011-2015 йиллар даврида Ўзбекистон иқтисодиётида ислохотлар миқёсини кенгайтириш ва чуқурлаштириш бўйича тасдиқланган чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш доирасида сўнгги йилнинг ўзида тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш, хусусий мулк устуворлигини таъминлаш ва унинг ҳуқуқий муҳофазасини кучайтириш, корхоналарнинг молия-хўжалик фаолиятига давлат ва назорат қилувчи идоралар аралашувини камайитиришга оид аниқ чора-тадбирлар рўёбга чиқарилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 18 июлда қабул қилинган «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони асосида мамлакатимизда иш-

билармонлик ва инвестиция муҳити даражасининг халқаро рейтингини янада оширишга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, корхоналарнинг фаолияти билан боғлиқ тартиб-таомилларнинг барча турларини соддалаштириш ва очиқ-ойдинлик даражасини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Судлар томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш масаласига жиддий эътибор қаратилмоқда.

Тадбиркорлик, деҳқон ва фермер хўжаликлари фаолияти билан боғлиқ фуқаролик ишларининг судлар томонидан кўрилиши юзасидан ўтказилган умумлаштириш якуни мазкур тоифадаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғри йўлга қўйилганини кўрсатди. Ишларни кўришда процессуал муддатларга риоя қилинган, ишларни судда кўришга тайёрлаш босқичларига тўғри ёндашилган.

Айрим хато ва камчиликларнинг олдини олиш, ягона суд амалиётини жорий этиш, Фуқаролик процессуал кодекси, Хўжалик процессуал кодекси, «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун нормаларини тўғри қўллаш мақсадида «Тадбиркорлик субъектлари фаолияти билан боғлиқ қонун ҳужжатларини суд амалиётида қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги Пленум қарори лойиҳаси тайёрланди. Пленумлар қўшма мажлисида мазкур қарор лойиҳаси муҳокама этилди.

Мазкур қарор мазмун-моҳияти билан қонунларни амалда бир хилда қўллаш, ягона суд амалиётини шакллантириш мақсадида судларга раҳбарий кўрсатмалар бериш, бир сўз билан айтганда, одил судлов сифати ва самарадорлигини оширишга, муҳими, тадбиркорлар ҳуқуқлари ҳимояси изчил таъминланишига хизмат қилади.

Мажлисида кўриб чиқилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Пленумлар қўшма мажлисида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Р.Қодиров иштирок этди.



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ  
ПЛЕНУМИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ХЎЖАЛИК СУДИ ПЛЕНУМИНИНГ  
Қ А Р О Р И**

2012 йил 14 сентябрь

№ 12/239

Тошкент шаҳри

**Тадбиркорлик субъектлари фаолияти  
билан боғлиқ қонун ҳужжатларини  
суд амалиётида қўллашнинг айрим  
масалалари ҳақида**

Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини кучайтириш, улар фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларини умумий юрисдикция судлари ва хўжалик судлари томонидан тўғри ва бир хилда қўлланилишини таъминлаш мақсадида, «Судлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17 ва 47-моддаларига асосан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленуми

**Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:**

1. Судларнинг эътибори тадбиркорлик субъектлари иштирокидаги ишларни кўриш жараёнида қонун ҳужжатлари талабларига тўлиқ ва оғишмай амал қилиш зарурлигига қаратилсин.
2. Тадбиркорлик субъектлари иштирокидаги низоларни ҳал этишда судлар мазкур субъектларга қонун ҳужжатларида назарда тутилган солиққа оид ва бошқа

имтиёзлар, преференцияларни қўлламаслик, улар фаолиятини чеклаш сабабларини синчковлик билан ўрганишлари лозим.

3. «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (кейинги матнларда — Қонун) 13-моддасига кўра, тадбиркорлик фаолияти субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тегишли давлат органи томонидан «бир дарча» принципи бўйича ва қоида тариқасида, хабардор қилиш асосида, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Рўйхатдан ўтказувчи органлар ариза берувчини тадбиркорлик фаолияти субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтказишни уни ташкил этиш мақсадга мувофиқ эмас, деган важлар билан рад этишга ёки қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган қўшимча талабларни белгилашга ҳақли эмас.

Судларга тушунтирилсинки, ташкил этилаётган юридик шахс таъсисчиларидан лоақал биттаси фуқаро бўлган тақдирда, тадбиркорлик фаолияти субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтказишни рад этганлик, шунингдек, рўйхатдан ўтказиш муддатини бузганлик устидан берилган шикоят умумий юрисдикция судларига тааллуқлидир.

Юридик шахсни қайта ташкил этишни давлат рўйхатидан ўтказишни рад этганлик, шунингдек, рўйхатдан ўтказиш муддатини бузганлик устидан ушбу юридик шахс томонидан берилган ариза (шикоят)лар хўжалик судларига тааллуқлидир.

Давлат рўйхатидан ўтказишни рад этганлик ёки рўйхатдан ўтказиш муддатларини бузганлик суд томонидан қонунга хилоф деб топилган тақдирда, суд айбдор мансабдор шахснинг ҳаракати (ҳаракатсизлиги)га ҳуқуқий баҳо бериши лозим.

4. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг (кейинги матнларда — ФПК) 57-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал

кодексининг (кейинги матнларда — ХПК) 55-моддаси мазмунидан келиб чиқиб, инobatга олиш керакки, юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказишни рад этишнинг қонунийлигини исботлаш мажбурияти рўйхатдан ўтказувчи орган зиммасига юклатилади.

5. Судларга тушунтирилсинки, фермер хўжалиги ташкил этиш учун фуқарога ер участкаси ажратиш ҳақидаги ҳоким қарорини ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисидаги ариза фермер хўжалиги ёки фуқаро томонидан берилишидан қатъи назар, у умумий юрисдикция судида кўриб чиқилади.

Агар фермер хўжалигига қўшимча ер участкаси ажратиш ҳақидаги ҳокимнинг қарорини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ариза фермер хўжалиги томонидан берилган бўлса, у хўжалик судида, фуқаро томонидан берилган бўлса — умумий юрисдикция судида кўриб чиқилади.

6. ФПК 31-моддаси ва ХПК 23-моддаси мазмунидан келиб чиқиб, судлар шуни назарда тутишлари керакки, якка тартибдаги тадбиркор мақомига эга бўлмаган фуқаро иштирокидаги низолар умумий юрисдикция судларига тааллуқли.

Агар якка тартибдаги тадбиркорнинг фаолияти белгиланган тартибда судга даъво тақдим этилгунга қадар тугатилган бўлса, унинг иштирокидаги, шу жумладан, унинг олдинги тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ низо ҳам умумий юрисдикция судига тааллуқли. Якка тартибдаги тадбиркорнинг фаолияти судга даъво тақдим этилгандан сўнг тугатилган тақдирда, низо хўжалик судига тааллуқли.

Тадбиркорлик фаолиятининг тўхтатилиши хўжалик судида иш бўйича иш юритишни тугатиш учун асос бўлмайди.

Агар фуқаро қонунда белгиланган тартибда якка тартибдаги тадбиркор мақомини олган бўлиб, аммо низо унинг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириши билан эмас, балки уй-жой, оила-никоҳ ва бошқа ҳуқуқий

муносабатлардан келиб чиққан бўлса, бундай низо умумий юрисдикция судларида кўриб чиқилади.

7. Судлар шуни инобатга олишлари керакки, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишларни ўтказиш тартиби қонун ҳужжатлари билан қатъий белгиланган. Хусусан, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунда бошқа масалалар билан бир қаторда текширишларни ўтказиш асослари, даврийлиги ва муддатлари тартибга солинган.

Текшириш қонунда белгиланган асослар мавжуд бўлмасдан ўтказилган ҳолда, у ноқонуний ҳисобланади ва ФПК 56-моддасининг иккинчи қисми, ХПК 54-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ текшириш натижасида олинган маълумотлар далил сифатида қабул қилинмайди.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2006 йил 6 майда 1573-сон билан рўйхатга олинган «Назорат қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган тадбиркорлик субъектлари — юридик шахслар фаолиятини текширишларни мувофиқлаштириш тартиби тўғрисида»ги Низом 6-бандининг иккинчи хатбошисига кўра, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишларга белгиланган тартибда рухсат берилган битта назорат қилувчи органга бошқа назорат қилувчи органлар, режадан ташқари текшириш ўтказиш учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган асослар бўлган тақдирда, улар томонидан берилган буюртманомасида Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Кенгаш қарори билан қўшилиши мумкин.

Тадбиркорлик субъектлари фаолияти бир нечта назорат қилувчи орган томонидан текширилганлиги билан боғлиқ низолар кўрилаётганда, судлар уларнинг ҳар бирида Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг текшириш учун рухсати бор ёки йўқлигини аниқлашлари лозим. Бунда рухсат



борлигини исботлаш мажбурияти назорат қилувчи орган зиммасида бўлади.

9. «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 9-моддасининг бешинчи қисмига мувофиқ бозорлар, савдо комплекслари ҳудудларида ва уларга туташ бўлган автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш жойларида бир марталик йиғимлар, ижара ҳақи тўлиқ тушиши ва уларнинг топширилиши ҳисобга олинишига, фискал хотирали назорат-касса машиналаридан, тўловларни пластик карточкалар асосида қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминалларида фойдаланилишига, шунингдек, савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларига риоя этилишига оид қисқа муддатли текширувлар давлат солиқ хизмати органларининг фақат қонун ҳужжатларида ваколат берилган бўлинмалари томонидан мазкур бўлинмалар бошлиқларининг буйруқлари асосида ўтказилиб, кейинчалик бу ҳақда махсус ваколатли орган ёки унинг тегишли ҳудудий бўлинмаси қисқа муддатли текширув ўтказилган кундан эътиборан бир иш куни ичида хабардор қилинади.

Судлар инобатга олишлари керакки, бундай қисқа муддатли текширишлар ўтказиш учун назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи ҳудудий Кенгашнинг рухсатномаси талаб этилмайди.

10. Қонун 39-моддасининг ўн иккинчи қисмига кўра, тадбиркорлик фаолияти субъектлари бирлашмаларининг аъзоси бўлган тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текширишлар тадбиркорлик фаолияти субъектлари сўровига кўра мазкур бирлашмалар вакилларининг иштирокида амалга оширилиши мумкин.

Тадбиркорлик субъекти томонидан текширишда бирлашма вакилининг иштирок этиши истаги билдирилган тақдирда, унга бирлашма вакилини таклиф этиш учун имконият берилиши шарт. Судларга тушунтирилсинки, бундай имкониятнинг берилмаганлиги текши-

ришни ноқонуний деб топиш учун асос бўлмайди. Шу билан бирга, судлар бундай ҳолатга йўл қўйган айбдор шахсларнинг ҳаракатларига тегишли ҳуқуқий баҳо беришлари зарур.

11. Судлар инobatга олишлари лозимки, Қонуннинг 11-моддасига мувофиқ тадбиркорлик фаолияти субъектларининг давлат органлари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар, шунингдек, банклар билан ўзаро муносабатларида тадбиркорлик фаолияти субъекти ҳуқуқларининг устуворлиги принципи амал қилиб, унга мувофиқ қонун ҳужжатларида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган барча бартараф этиб бўлмайдиган зиддиятлар ва ноаниқликлар тадбиркорлик фаолияти субъектининг фойдасига талқин этилади.

12. Тадбиркорлик субъектларига нисбатан молиявий санкцияларни қўллаш билан боғлиқ низоларни ҳал этишда, агар қонунда молиявий санкция миқдори белгиланмаган бўлса, судлар санкциянинг миқдорини жавобгарнинг мулкий аҳволи, айбини оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда белгилашлари лозим.

13. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 329-моддасининг 13-бандига ва 330-моддасининг 3-бандига кўра, тадбиркорлик субъектлари тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузадиган давлат органлари ҳамда бошқа органларнинг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга мурожаат қилганда давлат божини тўлашдан озод қилинади. Ушбу қоида мазкур тоифадаги ишлар бўйича суд ҳужжатлари устидан шикоят қилинганда ҳам татбиқ этилади.

Судларга тушунтирилсинки, бундай тоифадаги ишлар бўйича аризалар берилганда аризачидан давлат божидан озод қилиш ҳақидаги илтимоснома ёки мо-

лиявий аҳволи тўғрисидаги маълумотнома талаб қилинмайди.

14. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2009 йил 27 апрелда 1948-сон билан рўйхатга олинган «Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисида»ги Йўриқноманинг 3-бандига кўра, юридик ва жисмоний шахслар ўзларига ҳисоб-китоб ва касса хизматларини кўрсатиш учун банкларни мустақил равишда танлайдилар ҳамда бир ёки бир неча банкларда миллий ва чет эл валютасидаги талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақлари, шунингдек, жамғарма, муддатли, ссуда ва бошқа депозит ҳисобварақларини очиш ҳуқуқига эгалар.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2001 йил 10 июнда 1044-сон билан рўйхатга олинган «Ҳисобварақлар очиш, мижозлар ҳисобварақларига маблағ ўтказиш ва ҳисоблаб чиқариш, иш ҳақи ва қонунларда назарда тутилган бошқа эҳтиёжлар учун нақд пул бериш тартиби бўйича белгиланган талабларни бузганлик учун тижорат банкларига нисбатан жарима жазо чораларини қўллаш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 4-бандига кўра, Марказий банк меъёрий ҳужжатларда назарда тутилган барча зарурий ҳужжатлар тақдим этилганидан кейин банклар томонидан ҳисобварақлар очишда сабабсиз кечиктирилганлик ёки очишдан бош тортганлик, шунингдек, мазкур турдаги ҳисобварақ очиш учун ортиқча ҳужжатларни талаб қилганлиги учун банк устав сармояси белгиланган энг кам миқдорининг 0,05 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

Судлар назарда тутишлари керакки, банкнинг ҳисобварақни бошқа банкда ёки банк филиалларида очиш ҳақидаги таклифи ҳам банкнинг ҳисобварақни очишдан бош тортиши деб баҳоланиши лозим.

15. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, тадбиркорлик субъектларига қонуний фаолиятни амалга оширишда, жумладан, солиқ, молия ва статистика органларига ҳисоботлар топширишда, солиқлар ва

бошқа мажбурий тўловларга оид қонуний имтиёзлар, преференциялар қўллашда, муҳандислик-коммуникация тармоқлари (энергия, газ, сув, канализация, иссиқлик таъминоти ва бошқа)га уланишга рухсат олинишида, пул маблағлари ёки моддий бойликлардан эркин фойдаланишида давлат органлари ёки мансабдор шахслар томонидан ноқонуний аралашувлар, чекловлар, сансалорликлар ва бошқа шу каби тўсқинликларга йўл қўйилганлиги ҳолатлари аниқланса, суд уларга нисбатан таъсир чоралари қўллаши ёки уларнинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо бериш учун тегишли материалларни илова қилган ҳолда бу ҳақда прокурорга хабар қилиши лозим.

16. Судларнинг эътибори тадбиркорлик субъектлари иштирокидаги ишлар бўйича суд амалиётини мунтазам равишда ўрганиб ва умумлаштириб, аниқланган хато ва камчиликларни бартараф этиш чораларини кўришлари, мазкур соҳага оид қонун ҳужжатларини тақомиллаштириш юзасидан тегишли таклифлар бериб боришлари лозимлигига қаратилсин.

Ўзбекистон Республикаси  
Олий судининг раиси

**Б.МУСТАФАЕВ**

Пленум котиби,  
Олий суд судьяси

**А.УСМАНОВ**

Ўзбекистон Республикаси  
Олий хўжалик судининг  
раиси

**Д.МИРЗАКАРИМОВ**

Пленум котиби,  
Олий хўжалик судининг  
судьяси

**М.ИЗРАИЛБЕКОВА**



**ПОСТАНОВЛЕНИЕ  
ПЛЕНУМА ВЕРХОВНОГО СУДА РЕСПУБЛИКИ  
УЗБЕКИСТАН И ПЛЕНУМА ВЫСШЕГО  
ХОЗЯЙСТВЕННОГО СУДА РЕСПУБЛИКИ  
УЗБЕКИСТАН**

---

14 сентября 2012 г.

№ 12/239

г.Ташкент

**О некоторых вопросах  
применения в судебной практике  
актов законодательства,  
связанных с деятельностью  
субъектов предпринимательства**

В целях усиления защиты прав и законных интересов субъектов предпринимательства, обеспечения правильного и единообразного применения судами общей юрисдикции и хозяйственными судами законодательства, регулирующего их деятельность, в соответствии со статьями 17 и 47 Закона Республики Узбекистан «О судах», Пленум Верховного суда Республики Узбекистан и Пленум Высшего хозяйственного суда Республики Узбекистан

**П О С Т А Н О В Л Я Ю Т:**

1. Обратить внимание судов на необходимость полного и неукоснительного соблюдения требований ак-

тов законодательства при рассмотрении дел с участием субъектов предпринимательства.

2. При разрешении споров с участием субъектов предпринимательства судам следует тщательно изучать причины неприменения налоговых и других льгот, преференций, предусмотренных актами законодательства, ограничения деятельности этих субъектов.

3. Согласно статье 13 Закона Республики Узбекистан «О гарантиях свободы предпринимательской деятельности» (далее – Закон) государственная регистрация субъектов предпринимательской деятельности осуществляется соответствующим государственным органом по принципу в «одно окно» и, как правило, на уведомительной основе в порядке, установленном законодательством.

Регистрирующие органы не вправе отказать заявителю в государственной регистрации в качестве субъекта предпринимательской деятельности по мотивам нецелесообразности его создания или устанавливать дополнительные требования, не предусмотренные законодательством.

Разъяснить судам, что в случае если хотя бы одним из учредителей создаваемого юридического лица является гражданин, то жалоба на отказ в государственной регистрации в качестве субъекта предпринимательской деятельности, а также о нарушении сроков регистрации подведомственны судам общей юрисдикции.

Заявления (жалобы) на отказ в государственной регистрации, а также на нарушение сроков регистрации реорганизуемого юридического лица, поданные данным юридическим лицом, подведомственны хозяйственным судам.

В случае признания судом отказа в государственной регистрации или нарушения сроков регистрации незаконными, суд должен дать правовую оценку действиям (бездействиям) виновного должностного лица.

4. Исходя из смысла статьи 57 Гражданского процессуального кодекса Республики Узбекистан (далее – ГПК) и статьи 55 Хозяйственного процессуального кодекса Республики Узбекистан (далее – ХПК), следует иметь в виду, что обязанность доказывания законности отказа в государственной регистрации юридического лица возлагается на регистрирующий орган.

5. Разъяснить судам, что заявление о признании недействительным решения хокима о выделении земельного участка гражданину для создания фермерского хозяйства подлежит рассмотрению судом общей юрисдикции, независимо от того, подано оно фермерским хозяйством или гражданином.

Если заявление о признании недействительным решения хокима о выделении дополнительного земельного участка фермерскому хозяйству подано фермерским хозяйством, оно рассматривается хозяйственным судом, а если подано гражданином – судом общей юрисдикции.

6. Исходя из содержания статьи 31 ГПК и статьи 23 ХПК, судам следует иметь в виду, что споры, вытекающие из предпринимательской деятельности с участием гражданина, не имеющего статуса индивидуального предпринимателя, подведомственны судам общей юрисдикции.

Если деятельность индивидуального предпринимателя в установленном порядке прекращена до предъявления иска в суд, то спор с его участием, в том числе и связанный с его прежней предпринимательской деятельностью, также подведомственен суду общей юрисдикции. В случае, если деятельность индивидуального предпринимателя прекращена после предъявления иска в суд, то спор подведомственен хозяйственному суду.

Приостановление предпринимательской деятельности не является основанием для прекращения производства по делу в хозяйственном суде.

Если гражданин имеет статус индивидуального предпринимателя, приобретенный в установленном законом порядке, но спор возник не в связи с осуществлением им предпринимательской деятельности, а из жилищных, брачно-семейных и иных правоотношений, то такой спор рассматривается судами общей юрисдикции.

7. Судам следует иметь в виду, что порядок проведения проверок деятельности субъектов предпринимательства строго установлен законодательными актами. В частности, Законом Республики Узбекистана «О государственном контроле деятельности хозяйствующих субъектов» наряду с другими вопросами регламентированы основания, периодичность и сроки проведения проверок.

В случае проведения проверки в отсутствие оснований, предусмотренных законом, она считается незаконной и сведения, полученные по результатам проверки, в соответствии с частью второй статьи 56 ГПК, частью второй статьи 54 ХПК не принимаются в качестве доказательств.

8. В соответствии с абзацем вторым пункта 6 Положения «О порядке координации проверок деятельности субъектов предпринимательства - юридических лиц, проводимых контролирующими органами», зарегистрированного Министерством юстиции Республики Узбекистан от 6 мая 2006 года № 1573, к проверкам деятельности субъектов предпринимательства, разрешенным в установленном порядке одним контролирующим органом, другие контролирующие органы могут быть подключены при наличии предусмотренных в законодательстве оснований для проведения внеплановой проверки согласно поданной ими заявке, по решению Совета по координации деятельности контролирующих органов.

При рассмотрении споров, связанных с проверкой деятельности субъектов предпринимательства не-



сколькими контролирующими органами, судам необходимо уточнять наличие или отсутствие у каждого из них разрешения Совета по координации деятельности контролирующих органов на проверку. При этом обязанность доказывания наличия разрешения лежит на контролирующем органе.

9. Согласно части пятой статьи 9 Закона Республики Узбекистан «О государственном контроле деятельности хозяйствующих субъектов», краткосрочные проверки на территориях рынков, торговых комплексов и прилегающих к ним местах временного хранения автотранспортных средств в части полноты поступления и учета сдачи разового сбора, арендной платы, применения контрольно-кассовых машин с фискальной памятью, расчетных терминалов по приему платежей по пластиковым карточкам, а также соблюдения правил торговли и оказания услуг проводятся только уполномоченными законодательством подразделениями органов государственной налоговой службы на основании приказов начальников этих подразделений с последующим уведомлением об этом специально уполномоченного органа или его соответствующего территориального подразделения в течение одного рабочего дня со дня проведения краткосрочной проверки.

Судам следует учитывать, что для проведения таких краткосрочных проверок разрешение территориального Совета по координации деятельности контролирующих органов не требуется.

10. Согласно части двенадцатой статьи 39 Закона проверки деятельности субъектов предпринимательства – членов объединений субъектов предпринимательской деятельности могут осуществляться по запросу субъектов предпринимательской деятельности с участием представителей данных объединений.

При изъявлении субъектом предпринимательства желания об участии представителя об

2014/16 А 1322	единения в Anishe Navoiy nomidagi O'zbekiston MK
----------------------	---


проверке, ему должна быть предоставлена возможность пригласить представителя объединения. Разъяснить судам, что непредставление такой возможности не является основанием для признания проверки незаконной. Вместе с тем, судам следует давать соответствующую правовую оценку действиям виновных лиц, допустившим такой факт.

11. Судам следует иметь в виду, что в соответствии со статьей 11 Закона во взаимоотношениях субъектов предпринимательской деятельности с государственными, в том числе правоохранительными и контролирующими органами, а также банками действует принцип приоритета прав субъекта предпринимательской деятельности, в соответствии с которым все неустрашимые противоречия и неясности законодательства, возникающие в связи с осуществлением предпринимательской деятельности, толкуются в пользу субъекта предпринимательской деятельности.

12. При разрешении споров, связанных с применением финансовых санкций к субъектам предпринимательства, в случае, если в законе не установлен размер финансовой санкции, суды должны устанавливать размер санкции с учетом материального положения ответчика, обстоятельств, отягчающих и смягчающих вину.

13. Согласно пункту 13 статьи 329 и пункту 3 статьи 330 Налогового кодекса Республики Узбекистан, субъекты предпринимательства при обращении в суд на решения государственных и иных органов, действия (бездействие) их должностных лиц о нарушении их прав и законных интересов, связанных с осуществлением предпринимательской деятельности, освобождаются от уплаты государственной пошлины. Данное правило применяется и при обжаловании судебных актов по этой категории дел.

Разъяснить судам, что при подаче заявлений по этой категории дел от заявителя представление хо-



датайства об освобождении от уплаты государственной пошлины или справки о его финансовом положении не требуется.

14. В соответствии с пунктом 3 Инструкции «О банковских счетах, открываемых в банках Республики Узбекистан», зарегистрированной Министерством Юстиции Республики Узбекистан 27 апреля 2009 года № 1948, юридические и физические лица самостоятельно выбирают банки для своего расчетного и кассового обслуживания и вправе открывать депозитные счета до востребования, а также сберегательные, срочные, ссудные и другие депозитные счета в национальной и иностранной валютах в одном или нескольких банках.

В соответствии с пунктом 4 Положения «О порядке применения штрафных санкций к коммерческим банкам за нарушение установленных требований по открытию счетов, порядка зачисления и списания средств со счетов клиентов, выдачи наличности на заработную плату и другие нужды», зарегистрированного Министерством юстиции Республики Узбекистан 30 июня 2001 года № 1044, за необоснованные задержку или отказ в открытии банками счетов после представления всех необходимых документов, предусмотренных нормативными актами Центрального банка, в том числе при запросе излишних документов для открытия данного типа счета банк уплачивает штраф в размере 0,05 процента от установленного минимального размера уставного капитала банка.

Судам следует учитывать, что предложение банка об открытии счета в другом банке или филиалах банка также должно расцениваться как отказ банка в открытии счета.

15. Обратить внимание судов, что при установлении допущения со стороны государственных органов или должностных лиц незаконного вмешательства, ограничений, волокиты и других подобных препятствий

субъектам предпринимательства при осуществлении ими законной деятельности, в том числе, при сдаче отчётов в налоговые, финансовые и статистические органы, при применении льгот, преференций, относящихся к налоговым и другим обязательным платежам, при получении разрешений на подключение к инженерно-коммуникационным сетям (энергия, газ, вода, канализация, теплоснабжение и др.), при свободном использовании денежных или материальных средств, суд должен в отношении их принимать меры воздействия или сообщать об этом прокурору для дачи правовой оценки с приложением соответствующих материалов.

16. Обратить внимание судов на необходимость постоянного изучения и обобщения судебной практики по делам с участием субъектов предпринимательства, принятия мер по устранению установленных ошибок и недостатков, дачу предложений по совершенствованию законодательных актов в данной сфере.

**Председатель Верховного  
суда Республики Узбекистан**

**Б.МУСТАФАЕВ**

**Секретарь Пленума,  
судья Верховного суда**

**А.УСМАНОВ**

**Председатель Высшего  
хозяйственного суда  
Республики Узбекистан**

**Д.МИРЗАКАРИМОВ**

**Секретарь Пленума,  
судья Высшего  
хозяйственного суда**

**М.ИЗРАИЛБЕКОВА**

## **МУНДАРИЖА**

Тадбиркорлик субъектлари фаолияти билан боғлиқ қонун ҳужжатларини суд амалиётида қўллашнинг айрим масалалари ҳақида.....5

## **СОДЕРЖАНИЕ**

О некоторых вопросах применения в судебной практике актов законодательства, связанных с деятельностью субъектов предпринимательства.....13

**Оригинал макетни**

**Ш.Хайруллаев тайёрлади.**

**Босмахонага 12.10.2012 йилда топширилди.  
Қоғоз бичими А 5. Ҳажми 1,25 босма табоқ.  
Баҳоси шартнома асосида. Буюртма № 193**

**Ўзбекистон Республикаси Олий суди,  
Тошкент шаҳри, Абдулла Қодирий кўчаси, 1 уй.**

**«Муҳаррир нашриёти» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.  
100128, Тошкент шаҳри, Элбек кўчаси, 8 уй.**

## Қайдлар учун

---

1200 сўч

Қайдлар учун

---